

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИ, АВВАЛГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БИЛАН ТАНИШИШ, ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ МАҚСАДИДА 12-13 МАРТ КУНЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.



# НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 14-МАРТ, №11 (1156)

5 МИНГ АҲОЛИ  
ЯШАЙДИГАН  
ХУДУДДА ТУРАР  
ЖОЙГА МУЛК  
ХУКУКИ  
БЕРИЛМАСДАН  
КЕЛИНГАН. 5

ЎЗИНИ ОРГАН  
ХОДИМИ СИФАТИДА  
ТАНИШТИРГАН  
ФИРИБГАР  
ТАРБИЯЧИДАН  
ПОРА ТАЛАБ  
КИЛДИ. 8



Болам,  
бўлма  
менингдек!

291 нафар ота-онага  
фарзандларидан  
«алимент» ундирилмоқда.

6-бетда

ҚАМОҚХОНАГА  
ЭРИНИ КЎРИШГА  
КЕЛГАН АЁЛНИНГ  
СОЧИДАН  
ГИЁХВАНД МОДДА  
ТОПИЛДИ. 9

ҚЎШМА РЕЙДЛАР  
НАТИЖАСИДА  
САЛКАМ 12 МЛРД.  
СЎМЛИК  
ЖАРИМАЛАР  
УНДИРИЛДИ. 10

## Ободлик кўнгиладан бошланади

ШИКОЯТ-АРИЗАНИ ЎРГАНИШ  
ЖАРАЁНИДА МАЪЛУМ БЎЛДИКИ,  
ЖОЙЛАРДА АЙРИМ МУТАСАДДИЛАР  
ФАОЛИЯТИДА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК,  
ФУҚАРОЛАРИМИЗ ОРАСИДА ЭСА  
БОҚИМАНДАЛИК ҲАМУЗГАЧА БАРҲАМ  
ТОПМАГАН. БУНДАЙ ҲОЛАТДА АРИЗА  
ВА ШИКОЯТЛАР СТАТИСТИКАСИ  
ОШИБ БОРИШИ ТАБИИЙ.

3-бетда

## МУШТУМЗЎР ДАН ҚОНУНЗЎР

МИБ ходимига тан жароҳати  
етказган ота-болалар...

2-бетда



## !!! ТАНҚИД САМАРА БЕРДИ

Газетамизининг 2019 йил 7 февралдаги сониди «Йўл белгилари керак» сарлавҳали мақолада Урганч шаҳридаги транспортлар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолат танқид қилинган эди. Мазкур муаммога тегишли ташкилотлар томонидан эътибор қаратилди. Мақолада келтирилган камчиликлар бартараф этилди.

12-бетда

## ПОРА ЭВАЗИГА ОЎДИРИШ

Ўтган йили  
прокуратура  
органлари  
ходимларига 98 та  
ҳолатда 57 минг  
500 АҚШ доллари  
ҳамда 48 миллион  
885 минг сўм  
микдорда пора  
таклиф қилинган.

2-бетда



# ПОРА ЭВАЗИГА ОЎДИРИШ

## бундай ҳаракатлар қонун билан таъқиб этилади

Пахтачи туман прокуратураси томонидан туман ИИБ кўриқлаш бўлими ходимига фаол қаршилик кўрсатган бир гуруҳ шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

2019 йил 8 март куни фуқаро Х.М. туман прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи Д.Б.нинг хизмат хонасига келиб, айбланувчилар унинг қариндоши эканлигини маълум қилиб, уларга нисбатан айбловни енгиллаштириш эвазига 5 минг АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилган Д.Б.нинг билдиргиси асосида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Х.М. туман ҳудудида жойлашган "Kim-Ping" номли ресторанда 5 минг АҚШ долларини пора тариқасида берган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Х.М.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, 2019 йил 9 март куни Наманган вилоят прокуратураси катта терговчиси Ш.Ж. вилоят прокуратура номига билдирги билан мурожаат қилиб, "МК" МЧЖ, "НК" ДУК ва "СМ"

АЖ мансабдор шахсларига нисбатан кўзгатишган жиноят иши бўйича "WPS" МЧЖ раҳбари Р.Э. барча жиноят ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олишини маълум қилиб, ишга алоқадор бошқа шахсларни жавобгарликка гортмаслик эвазига 10 минг АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилганлигини билдирган.

10 март куни ушбу билдирги асосида ўтказилган тезкор тадбирда Р.Э. терговчи Ш.Ж.нинг хизмат хонасига унга таклиф қилинган пулларни пора тариқасида берган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Р.Э.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

2018 йилда прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, ички хавфсизлиكنи таъминлаш, ходимлар томонидан коррупциявий ҳолатларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян натижаларга эришилди.

### Вужудга келган коррупция ҳолатлари



Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

TADBIR

FAOLIYAT

## ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва шу масалага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш прокуратура органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.**

**Бибимарям АБДУЛЛАЕВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори

даги муаммолар юзасидан келиб тушган муражаатларни ўрганиб чиқиш ва қонуний ҳал қилиш тизимли равишда йўлга қўйилган. Масалан, ўтган йилда Хўжайли туманида жойлашган 1-сонли Меҳрибонлик уйи директорининг мазкур меҳрибонлик уйида тарбияланган 2017-2018 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича амалий ёрдам сўраб қилган муражаати ўрганилди.

Ўрганиш давомида 1-сонли Меҳрибонлик уйида тарбияланган 13 нафар академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари борлиги аниқланди. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш мақсадида 10 нафари мутахассисликларидан келиб чиқиб иш билан таъминланди. 3 нафари эса олий таълим муассасасига ўқишга топшириш учун тайёргарлик кўраётганини билдирди.

Ўтган 2018 йилда бандликка кўмаклашиш марказлари ва қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 176 маротаба ўтказилган ярмаркаларда 4648 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан аҳоли бандлигига оид қонунлар ижроси юзасидан кундалик назорат ўрнатилган бўлиб, 2498 нафар ишсиз фуқаронинг ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ушбу соҳа-

**Орамизда шундай инсонлар борки, улар куч ишлатиш йўли билан ҳар қандай масалани ҳал қиламан, деб ўйлайди. Шулардан бири Шароф Рашидов тумани, Яхтанлик маҳалласида яшовчи Эргаш Мўминовдир.**

## МУШТУМ ЗҶҮРДАН ҚОНУН

Маъбурий ижро бюросининг Шароф Рашидов туман бўлими тезкор ходимлари томонидан унинг хонадони кўриқдан ўтказилганда, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келаётгани аниқланди. Шундан сўнг давлат инспектори Э.Мўминовдан уйни кўздан кечиришга рухсат сўрайди. Бироқ хонадон соҳиби икки нафар ўғли билан биргаликда фаол қаршилик кўрсатиб, уларга тан жароҳати етказди.

Кўрик давомида хонадондан қўлбола ҳужжат рамаси, пичоги, трубасти, бункери, ремени, шифти, мотор орқа

**Жаҳонгир ЭСАНОВ,**  
МИБ Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

қопқоғи, 5 литр ҳужжат рамаси ашёвий далил сифатида олинди.

Суд ҳукмига кўра, Эргаш Мўминовга 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Қолаверса, суд томонидан унинг ўғиллари Элмурод Мўминов ва Ғиёс Мўминовга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси берилди.

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БОСМА НАШРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КИРИШДИ

**Жорий йилнинг 12 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Очқиклик ва демократияни таъминлашда босма нашрларнинг роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Депутатлар, марказий босма нашрларда фаолият юритаётган журналистлар, соҳа мутахассислари иштирокида ўтган тадбирда ОАВ соҳасидаги ишларни янада жонлаштириш, миллий медиа маконини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш учун қонунчиликнинг истиқболларини белгилаш масалалари муҳокама этилди. Асосий эътибор марказидаги масалалар қаторида миллий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш, муассис ва тахририятлар ўртасидаги муносабатларда муассис масъулиятини ошириш каби вазифаларга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, хусусан, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда ОАВларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш борасида қонун ҳужжатлари ҳам такомиллаштириб борилаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, 2018 йилда депутатлар ташаббуси билан "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларга бугунги замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унда оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, уларни мансабдор шахслар ва давлат органларининг ноқонуний хатти-ҳаракати ва ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, журналистларнинг иш жараёнида эркин фаолияти қафолатларини му-

таҳамлаш масалалари қайта кўриб чиқилди.

ОАВ соҳасидаги ўзгаришлар ўз ўрнида мамлакатимизда очқикликни таъминлаш, давлат органлари фаолиятини устидан фаол жамоатчилик назоратини ўрнатилди маҳкам аҳамиятга эга бўлмоқда. Бироқ мамлакатимиз медиа маконининг бозор механизмлари талаблари шароитида янги қиёфа касб этиб бориши бир қатор объектив масалалар ечимини ҳам кун тартибига қўймоқда. Айниқса, босма нашрларнинг бозор талаблари шароитида истеъмолчи хоҳишига мос равишда фаолият юритишдаги шароитларни енгиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқишга доир мавжуд тартибларни соддалаштириш, обуна ва почта хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари доирасида тартибларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Муҳокамалар давомида бу борада жорий йилда босма нашрларнинг тиражи ва уларни чоп этишга доир масалаларда бир қатор қийинчиликлар бўлгани, қоғоз, нашрни истеъмолчига етказиб бериш, обуна ташкил этишдаги объектив ва субъектив омиллар сабаб айрим нашрлар оғир молиявий аҳволда қолгани айтиб ўтилди. Шунингдек, бир қатор тармоқ ва идоралар муассислигидаги нашрлар муассислари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, мажбурий обуна кампаниясини бартараф этиш шiori остида жойларда ихтиёрий обуна ташкил этиш масалалари ҳам оқсаб қолгани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу борадаги ишларни тизимли ҳал этиш, босма нашрларнинг жамият тараққиёти йўлида очқикликни таъминлашдаги алоҳида ўрнини инобатга олиб, тизимли қўллаб-қувватлаш, муассис ва тахририятлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги бўйича бир қатор таклифлар билдирилди.

Таклиф ва тавсиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан умумлаштирилган ҳолда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, зарур ҳолларда тегишли идора ва ташкилотларга ҳал этиш учун юбориш ҳамда мазкур жараён устидан парламент назорати олиб борилиши ҳақида йиғилганларга маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз

**Жорий йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.**

Маълумки, ҳар бир хат ортида инсон шахси, унинг тақдири, элнинг манфаати туради. Шу боис ҳам тахририятга келган мурожаатлар ўз вақтида ўрганилиб, уларнинг ҳал этилишига кўмаклашилмоқда. Улар асосида газетамиз саҳифаларида танқидий ва таҳлилий мақолалар бериб борилмоқда. Шундай мурожаатлардан бири тахририятимизга Муборак туманидаги "Амир Темур" маҳалла фуқаролар йиғини Гулшан қишлоғида яшовчи Жўра Ҳазратовдан келиб тушди.

#### Аризанинг қисқача мазмуни

Аризада Гулшан қишлоғи худудидаги эски қабристоннинг қаровсизлиги, атрофига ўралган сим тўрлар, тирговичлар ва ушбу масканда диний маросимлар (жаноза, марҳумларни хотирлаш) ўтказишга мўлжалланган бинонинг эшик-деразаларини номаълум шахслар ўғирлаб кетгани, қабристон девор ёки бошқа тўсиқ билан ўралмагани учун одамларнинг мол боқайтгани ёзилган.


Ариза муаллифи 2017 йил 23 ноябрда янги қабристон учун жой ажратиши сўраб, туман ҳокими ариза билан мурожаат қилган. Шунингдек, у қишлоқда маҳит куриш учун олдиндан олиб келиб қўйилган 85 та қурилиш материалли (сокольный блокни) янгидан қурилаётган қабристонни ўраш учун ишлатишга рўхсат бериши ва уларни олиб бориб ўрнатиш учун техника билан таъминлашни ҳам сўраган.

Янгидан қуриладиган қабристонга туман ҳокими ер ажратмаган, у 2018 йил 28 январда вилоят ҳокими ариза билан мурожаат қилган. Аризасига ижобий жавоб бўлавермаган, Ж.Ҳазратов 2018 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига мурожаат қилган.

#### Мухбир изоҳи

2019 йил 22 февраль куни Муборак туманига бориб, туман ҳокими Ғайрат Жовлиева учирашдим. У қабристонни тўсиқлар билан ўраш ва ободонлаштириш учун анча маблағ керак бўлишини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармасига шунча миқдорда маблағ ажратилмаслигини, қолаверса, туманда қабристон битта эмаслигини, Гулшан қишлоғи аҳолиси ва тадбиркорлар ҳам бош кўсасгина, маълум бир натижага эришиш мумкинлигини айтди ва ободонлаштириш бошқармаси бошлиғини қаққиртирди.

Шу орада улардан ариза муаллифининг телефон рақамини олиб, кўнғирок қилдим. Телефонни аён киши кўтариб, ўзини Жўра бобонинг келини, деб таништирди ва у кишининг мазаси йўқлигини, Ташкентта даволанишга кетганини маълум қилди. Шундан сўнг бошқарма ҳисобчиси Анвар Содиқов билан Гулшан қишлоғи қабристонини куриш учун йўлга тушдик. Йўллар лой бўлиб, ўйдим-чүкур жойлари-



BIR SHIKOYAT IZIDAN

# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Норбўга ҲОЗИЕВ,  
«Нуқуқ» мухбири

га сув йиғилганлиги боис, қишлоққа қийинчилик билан етиб бордик. "Амир Темур" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нормамат Камоловни топишнинг иложи бўлмади. Маҳалла посбони Улугбек Чориев ҳамроҳлигида қишлоқ қабристонига бордик. Қабристон аризада ёзилгандек, қаровсиз аҳволда экан. Эски қабристон бўлишига қарамадан, у ерга бор-йўғи йиғирматача майит қўйилган. Бундан ажабланиб, маҳалла посбонига юзландим.

— Бу ернинг туб аҳолиси йўқ, қишлоқ аҳолисининг 80 фоизи Касби туманининг Месит қишлоғидан кўчиб келган,

тўрлар ҳам занглаб, тамом бўлган.

Инсон хотираси муқаддас, олами сарвага бўлган одам ҳаминча қадрланганга лойик. Шундай экан, улар ётган муқаддас жойлар — қабристонларни ободонлаштириш сиз билан бизнинг вазифамиз. Ота-боболаримиз қабристонлар ёнидан улдовдан тушиб, дуойи-фотиҳа қилиб пиёда ўтишган. Бундай урф-одатларимиз шўролар ҳукумати даврида унутилди. Мамлакатимиз

## Қабристонларни ободонлаштиришга ажратилган 20 млн. сўмнинг ярми Гулшан қишлоғига йўналтирилади.

— деди У.Чориев. — Уларнинг бирортаси вафот этса, ўзларининг қабристонига олиб бориб қўйишди. Месит қишлоғи бу ердан 35 километр узоқликда жойлашган. Қишлоқнинг бошқа аҳолиси ҳам вилоятимизнинг турли туманларидан кўчиб келган. Улар ҳам қариндошларидан бирортаси вафот этса, ўзларининг қишлоқларидаги қабристонларига дафн этишад.

Ҳақиқатдан ҳам эътибор берсам, қабристонга қўйилганларнинг кўпчилиги бошқа миллатга мансуб кишилар экан. Қрим татарлари ва болгарлар чўлни ўзлаштиришда қатнашиб, бундан 20-25 йиллар олдин ўз юртига кўчиб кетишган экан.

"Шунча бўш жой ётибди, қабристон учун бошқа жой ажратишларини сўраб ёзхо-ёз қилишдан мақсад нима, деган саволимга посбон: "Бу ер кумоқ жой экан, шу сабабли қабр қазийди қийинчилик туғилмоқда", деб жавоб берди.

Қабристон худудида қуришган иморатнинг ёғочидан тортиб, деворларига ваҳмак ёб кетган. Шу сабабли унинг томи қийшайиб қолган, қабристон худуди ўралган

муқтақилликка эришган, халқимиз кўҳна ва ҳаминча халқчил аъналарини яна тиклади. Ёши улуглар кичикларга, билганлар билмаганларга инсон хотираси муқаддаслигини, уни хотирлаш зарурлигини ўргата бошлади.

Шукрки, ҳозир ёшлар ота-боболарининг қабрларини ажрата оладиган, уларнинг ён-атрофини тозалаш, гул экадиган, Қуръон-тиловат қиладиган бўлиши. "Ҳаётдан безсанг ёки димоғинг кўтарилиб, босар-тусаринг билмай қолсанг қабристонга бор, уни зиёрат қил", деган гапда буюк ҳақиқат бор. Бунга ишонманганлар ақали бир марта у ерга бориб кўрсин, ҳовуридан тушади, ўзигада қусурлардан холи бўлади.

Муборак тумани раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги "Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори талабларини бажармаган. Акс ҳолда унинг "а" бандидаги "икки ой муддатда — қабристонларнинг мавжуд ҳолатини

ўрганиб, ҳомийларни жалб этган ҳолда, уларни талаб даражасида ободонлаштириш ҳамда таъмирлаш чораларини кўрсинлар ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботини 2018 йилнинг 1 апрелига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар", деган талабга амал қилиб, биз юқорида таъкидлаб ўтган қабристонни ҳам ободонлаштириш чорасини кўрган бўлишарди. Шунда мазкур масканнинг томи қийшайиб ётган иморати ҳам ҳеч бўлмаганда ҳомийлар ҳисобидан таъмирланармиди?

Яна бир мулоҳаза. Ота-боболаримиз қаерга борса, ўша ерни обод қилиб, ўзидан из қолдиришган, туп қўйиб, палак ёзишган. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг юришлари ва борган жойида амалга оширган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисол.

Ўтган йили Хотира куни арафасида Касби тумани Таллигун қишлоғидаги "Ғойиб ота" қабристонини зиёрат қилгандим. У ердаги ободончилиги орасталикни куриб, қабристонга эмас, балки бир чаманзор боққа келиб қолдим, деб ўйлайсиз. Қабристонга махсус қувурда сув олиб берилган, гишт териб, чиройли йўлақлар қилинганки, ҳайрон қоласиз. Уларга туман ҳокимиятидан ҳам, туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бошқармасидан ҳам ҳеч қандай ёрдам берилмаган. Балки ажодлар руҳини қадрлаган, у ер ўзларининг ҳам сўнги манзили эканлигини англаган шу қишлоқ одамлари, тадбиркорларининг саъй-ҳаракати билан қабристон обод қилинган.

Туман ҳокимининг 2018 йил 28 майдаги қарори билан Гулшан қишлоғига қабристон учун беш гектар жой ажратилибди. Шу ерни ажратилар экан, шунча "ёзхо-ёз"лардан кейин эмас, олдинроқ ҳам ажратса бўларди. Шунда асабузарлиги сарсонгарчиликларга ўрин қолмасди. У ерни ободонлаштириш, эски қабристоннинг майит қўйилган жойини ўраб қўйиш туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасининг 2019 йил сметасига киритилган. Бошқарма бошлиғи Али Назаровнинг гувоҳлик беришича, бошқармага қабристонларни ободонлаштириш учун 2019 йилда 20 миллион сўм ажратилган. Шунинг 10 миллион сўми Гулшан қишлоғи қабристонини ободонлаштиришга йўналтирилади, ишчиларини ҳам бу ишга сафарбар этади. Бироқ бошқарма қаб-

ристонни тўлиқ ўраб ва ободонлаштириб беролмайди. Чунки бунинг учун жуда катта миқдорда маблағ ва техника талаб қилинади. Бундай имконият эса уларда йўқ.

"Берсанг ейман, урсанг ўламан" қабилида яшайдиган замон ўтди. Қишлоқ аҳолиси, қолаверса, тадбиркорлари бош кўсаса, битмайдиган ишлар ҳам битиб кетади. "Кўз кўрроқ, қўл ботир", дейилиши бежизга эмас.

Чироқчи туманининг Чиял қишлоғида 9 та маҳалла бор. Уларда 62 минг аҳоли яшайди. Бу маҳаллаларда кейинги чорак асрда шаклланган эзгу аънана бор. Чияллик ёшлар ҳар йили Наврўз байрамини кутиб олиш асносида, ҳамжиҳатлик билан элнинг оғирини енгил қилишга одатланганлар. Оқтўнли, Чиял маҳаллаларида 40, Аннарўз маҳалласида 37, Тўқмор, Сўвлиқ, Ғаллакор маҳаллаларида 34, Чувилоқ, Ўймовут маҳаллаларида эса 39 ёшга тўлган синфдошлар ўз ҳисобларидан Наврўз байрамини ўтказиб берадилар. Шунингдек, ночор, кам таъминланган оилаларга ёрдам берадилар, маҳалланинг ички ва ташқи йўлларини, масжидлар, қабристонларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшади.

Улар Чиял худудидан мавсумий оқиб турадиган Кумдарё устига 4 та кўприк қуришган. "Аннарўз" маҳалласи ёшлари қишлоқнинг қабристонини йўлга тош тўкиб, асфальт ётқизишган. Қабристонни ободонлаштириш учун артезиан қудуғи қаздириб, худудни чўчүк сув билан таъминлашган. Тоқчи қишлоғи ёшлари эса ўзлари ўқиган мактабга артезиан қудуғи қаздириб, спорт майдончасини таъмирлаб беришган ва ҳоказо.

Ҳа, таллуғунлик ва чияллик ёшлар ободлик кўнғилдан бошланганини, пок, тоза жойга фаришталар келишини дилдан ҳис этишгани учун бизга ҳокимият, давлат нима қилиб берди, деб эмас, биз Ватанимиз ривожини учун, қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнаши учун нима қилдик, деб яшаяптилар. Мен Муборак тумани, қолаверса, Гулшан қишлоғи ёшларининг ҳам чияллик ёшлардан ўрнак олиб, қишлоғини, кўчаларини, қолаверса, қабристонларини обод қилиш иш-тиёғи билан яшашларини истардим. Зеро, қабристонлар ота-боболаримиз ётган муқаддас маскан, қолаверса, ҳар биримизнинг сўнги борар манзилимиздир.

## Туман марказларида «Яшил хиёбон»лар ташкил этилади

Ҳукумат фармойишига асосан бутун Республика бўйлаб "Яшил хиёбон"лар ташкил этилади. Бу ҳақда "Хуқуқий ахборот" канали маълум қилди.



Бундан ташқари, жорий йилда ҳар бир туман марказларида камида 10 гектар майдонда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида камида 15 гектар майдонда "яшил хиёбон"лар ташкил этилиб, унда пиёдалар ва велосипедлар учун йўлақчалар, ўриндиқлар ҳам ташкил этилиши назарда тутилади.

Хужжатда таъкидланишича, республика худудларида 2018 йил куз мавсумида 5,5 миллиондан ошиб манзарали дарахт ва бутта кўчатлари экилган бўлиб, 2019 йил баҳор мавсумида эса 150 миллиондан ошиб манзарали ва мевали дарахт ҳамда бутта кўчатлари экилиши режалаштирилмоқда.

# ЯНГИ ЧАТАФАККУР, МУНОСАБАТ



**Баҳромжон ИСМОИЛОВ,**  
Тошлоқ туман прокурори

Сўнги йилларда қабул қилинган қонун ва қонуниҳо ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлариш жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари ижроси таъминланиши, ўтқир ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши жараёнида ҳалқимиз турмуши сифати яхшиланиб бормоқда.

**Т**адбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида туманда тадбиркорлар этиборга молик лойиҳаларни амалга оширишяпти. Янги иш ўринлари яратилляпти.

Тадбиркорлар қуриб фойдаланишга топшираётган замонавий, ойнаванд савдохизмат кўрсатиш комплекслари, маданий-маиший иморатлар ва намунали турар жой бинолари туман маркази, қишлоқларимизга ўзгача тароват, одамларга хуш кайфият бағишляпти, энг муҳими, тафаккурни ўзгартиряпти. Ўтмиш асорати — боқимандалик ўрнини тинмай ҳаракат қилиб, кечагидан самаралироқ, мазмунлироқ ишлаб, яшаш иштиёқи эгалляпти. Бугунга келиб туманда жами 2 828 та, шу жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида 1 411 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатляпти. Соҳа таҳлиллари, шунингдек, мурожаатлари ўрганиш жараёнида тадбиркорларнинг муаммолари қонуний ҳал этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган талаби асосида иш юритишнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Давлат идоралари, муассасаларининг раҳбар ва ходимлари шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларга бориб, бевоси-

та одамларнинг уйларига кириб суҳбатлашишлари, турмуш шароитларини ўрганиб, муаммоларини ҳал қилишлари, турмуш шароитларини яхшилаш борасида ишлашлари одат тусига кирди.

Туманимизда тўртала секторда уйма-уй юриб, аниқланган муаммоларни жойида ҳал этишдан ташқари, вақт талаб этадиганлари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"га киритилмоқда. Хусусан, 2-сектордаги 10 та МФЙда ишчи

## 500 дан ортиқ хонадон ўрганилиб, муаммолари жойида ҳал этилмоқда.

гурӯх томонидан кам таъминланган, эҳтиёжманд, нотинч ҳамда ажраллиш учун ариза берган, уй-жойга муҳтож оилалар, ногиронлар, оғир касалликка чалинган, тиббий ёрдамга муҳтожлар, уюшмаган ёшлар, ишсизлар, жиноят содир этган хотин-қизлар, диний-экстремистик оқим аззолари сифатида ҳисобга олинган шахслар, профилатик ҳисобда турган вояга етмаганлар рўйхатлари

шакллантирилмоқда. Ҳозирга қадар салкам 533 та хонадон ўрганилиб, аниқланган муаммоларнинг 51 таси жойида ҳал этилган, 30 таси туман "Йўл харитаси"га киритилган.

"Заркент", "Жарқишлоқ" ва "Чуқурқишлоқ" МФЙдаги салкам 40 та кам таъминланган хонадонга иситиш марказида 500 килограммдан тортиб 2 140 килограммгача кўмир етказиб берилди. Эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий аҳолини яхшилаш мақсадида ҳомийлар томонидан парранда ва қурилиш материаллари ҳамда тўла маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 18 нафар фуқарога марказида рўйхатга олинган. Шундан келиб чиқиб, уларга яққа тартибда ва оилавий тадбиркорлик билан шугулланиш, томорқа еридан самарали фойдаланиш ҳисобига даромад олиб, рўзгор тебратилиш ҳақидаги қонун-қоидалар тарғиб қилинляпти. Шунингдек, бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, ишсизлар ишга жойлаштирилмоқда.

Прокурор масъул бўлган секторда меҳнатга лаёқатлиларнинг 2 785 нафари доимий иш билан банд эмас. 176 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Шундан келиб чиқиб, уларга яққа тартибда ва оилавий тадбиркорлик билан шугулланиш, томорқа еридан самарали фойдаланиш ҳисобига даромад олиб, рўзгор тебратилиш ҳақидаги қонун-қоидалар тарғиб қилинляпти. Шунингдек, бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, ишсизлар ишга жойлаштирилмоқда.

Жорий йилнинг январь ойи охирида тегишли идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида қатнашган 92 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 220 та бўш иш ўринларига ишга тақлиф қилинди. 72 нафар фуқаро ушбу имкониятдан фойдаланиб, ишга жойлашди.

125 нафар фуқарога ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Бундан ташқари, сектор ҳудудида кам таъминланган оилаларнинг бандлиги таъминланди. Кам таъминланган оилаларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш мақсадида 18 нафарига банк томонидан имтиёзли кредит олиб бериш бўйича ҳужжатлар

## Болаларнинг атиги 23,9 фоизи мактабгача таълим муассасаларида тарбияланмоқда.

расмийлантирилди. Яратилган шароитлар ва ҳуқуқимиз томонидан ҳавола этилган имтиёзлар тушунтирилган ҳолда тадбиркорликка жалб этилаётган 10 та кам таъминланган оиланинг лойиҳалари давлат хизматлари маркази мутахассислари кўмагида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолияти, иш шароитлари ўрганиляпти. Бугунги кунда 6 та мактабгача таълим муассасаларида 915 нафар ёки мактабгача ёшдаги болаларнинг атиги 23,9 фоизи тарбияланади. Хусусий МТМлари кўпайтириш ҳисобига болаларнинг қолган фонзини ушбу муассасаларда олиб борасида иш олиб борилмоқда.

12 та умумтаълим мактабида салкам 7 минг нафар ўқувчи

таълим оляпти. 13 нафар ногирон болаларга уйларига таълим берилляпти. Ўтган йили "Обод маҳалла" дастури доирасида 11 ва 12-сонли умумтаълим мактаблари тўлиқ таъмирланди. Жорий йилда сектордаги 2 та касб-хунар коллежида 606 нафар ўқувчи ўқини битиради. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари билан тўрт томонлама шартномалар имзоланмоқда.

Секторда коммунал муаммолар ўрганилиб, ҳал этилляпти ҳамда "Йўл харитасига киритилляпти. Хусусан, "Заркент" МФЙда 1 та янги трансформатор ўрнатилди. "Юқорқишлоқ" МФЙнинг Дўстлик кўчасига ичимлик суви тармоғини тортиш 2-қоракда амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, 7,8 километр ички йўлларга асфальт ётқизилди. 5 километр янгитдан электр тармоғи тортилади.

Табиий газ етиб бормайдиган маҳаллалардаги хонадонлар суолтирилган газ баллонлари билан таъминланмоқда. Жумладан, 16 та муҳтож хонадонга газ баллони топширилди.

Секторда 10 нафар ногиронлар аравагача, 4 нафари эшитиш мосламасига, 1 нафари протез-ортопедия маҳсулотига, 4 нафарининг эса даволанишга муҳтожлиги аниқланган, тегишли чоралар қўрилди. "Янги йўл" МФЙда яшовчи Адҳамжон Султоновга секторнинг ишчи гурӯхи томонидан ногиронлик аравачаси топширилди. Бундай тадбирлар давом эттирилмоқда.

JARAYON

# ФУҚАРОЛАР ҲУЗУРИДА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

**Мамлакатимизда халқ билан очиқ ва самимий мулоқот қилиш, аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар ечимини топиш, давлат бошқаруви органлари билан фуқаролар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш механизми янги босқичда амалга оширилмоқда.**

**У**шбу амалиёт айна чоғда жамиятимизда адолат устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳамда Каттакўрғон шаҳрида ўтказилган сайёр қабуллар давомида бир қанча жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қийнаб келаётган муаммолар, ечимини кутаётган масалалар юзасидан мурожаат қилишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг асосий қисмини ишга жойлаштириш, моддий ёрдам пуллари ва нафақа тайинлаш, кредит ажратилиши, алимент пуллари ундирилиши, уй-жой берилиши суд қарорларидан норозилик, суриштирув ва тергов масалалари ташкил этади. Аҳамиятлиси, ҳар бир мурожаат тегишлилиги бўйича ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти қабул да-

вомида ҳал этилишига эришилди. Каттакўрғон шаҳрида вилоят прокурори томонидан ўтказилган сайёр қабулда тушган мурожаатлар жами 117 тани ташкил қилди. Фуқаролардан 17 нафари вилоят прокурори Ф.Зуфаров томонидан, 23 нафари вилоят прокурорининг ўринбосари Ж.Азимов ҳамда 77 нафари Каттакўрғон шаҳар ташкилотлари раҳбарлари томонидан қабул қилинди.

## Сайёр қабулда 100 дан ортиқ мурожаат ўрганилди.

Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, моддий-маиший масалаларга оид мурожаатларнинг аксарияти вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан жойида қаноатлантирилди ҳамда 2 нафар ногирон фуқарога вилоят прокурори томонидан ногиронлик аравачалари ва совгалар топширилди.

Иштихон туманида ўтказилган қабуллар давомида ҳам жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатлар кўриб чиқилди. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий, моддий ва маиший муаммолари ҳал этилди.

Халқ билан мулоқот қилиш,

аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларни жойида ҳал қилиш, бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифалардан биридир. Вилоят прокурори Фарҳод Зуфаровнинг Иштихон тумани фуқаролари билан ўтказган сайёр қабулида ҳам айна шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Сайёр қабулда тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутасаддилар иштирокида фуқароларнинг муаммолари ўрганиб чиқилди. Унда асосан банкдан кредит олиш, бандлик, турар жой, ер олиш, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, бинолар ва йўлларни қайтадан таъмирлаш, таълим тизими ва бошқа соҳаларга оид мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Улқар Шуқурова узок йиллардан



**Азимжон ҚОДИРОВ,**  
"Нuqq"

буён турли касалликларга чалиниб, саломатлигини йўқотган. Бироқ, даволаниш учун мабғали етарли бўлмаганлиги боис аҳоли кундан-кунга оғирлашаётган эди. Сайёр қабул жараёнида унга даволаниши, саломатлигини тиклаши учун чоралар қўрилиши юзасидан мутасаддиларга топширилган берилди. Шунингдек, сайёр қабул давомида қўлаб фуқароларнинг муаммолари атрафлича ўрганилди. Зулайхо Азимованинг ўғли олийгоҳнинг 2-курсиди таҳсил олмақда. Бироқ, оилавий шароитнинг оғирлиги боис контракт тўловларини вақтида тўлашда бирмунча қийинчиликларга дуч келаётган эди. Ёшларимизнинг таълим олишлари учун мамлакатимизда яратилган шароит билан самараси ўлароқ унга банкдан "таълим кредити" ажратиладиган бўлди.

Наргиза Одиловани ҳам анча вақтдан буён ишсизлик муаммоси қийнаб келаётган эди. Ўтказилган сайёр қабул унинг ёдидан чиқмайдиган бўлди. Чунки эндиликда у ҳам доимий иш ўрнига эга бўлди.

Мазкур сайёр қабулда ҳар бир фуқаронинг мурожаати атрафлича ўрганилиб, уларга аниқ ва ижобий ечимлар топилди.

# Қонуний таянч бўлмаса...

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини юзага чиқаришда иқтисодий судларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда суднинг қонунга хилоф қарорларига нисбатан белгиланган тартибда протест келтириш, суд тизимининг барча босқичларида прокурор иштирокини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада амалга оширилган ишлар таҳлилидан кўринишича, 2018 йилда Сирдарё вилоят иқтисодий судида жами 29 501 та иқтисодий ишлар кўрилган. Судда кўрилган муҳим тоифадаги ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу даврда иқтисодий судга жами 2 миллиард 618 миллион 769 минг сўмлик 229 та даъво аризаси киритилган бўлса, шундан, 1 миллиард 945 миллион 110 минг сўмлик 220 таси қаноатлантирилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб киритилган 34 миллион 510 минг сўмлик даъво аризаларининг барчаси қаноатлантирилган.

2018 йилда вилоят иқтисодий судида тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ 2 359 та ишлар кўрилиб, 30 фоизда прокурор даврироқи таъминланган. Ушбу тоифадаги ишларнинг 12 таси апелляция инстанциясида, 26 таси кассация инстанциясида кўрилиб, қонунга хилоф равишда чиқарилган 17 та суд қарорлари вилоят прокурори протестлариға кўра бекор қилинган.

Хусусан, суд кредит шартномалари билан келиб чиққан муносабатлар билан боғлиқ ишларни кўриш давомида иш учун аҳамиятга молик ҳолатларнинг тўлиқ аниқламаганлиги ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йўл қўйилганлиги натижасида қонунга хилоф қарорлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг "Агробанк" АТБ Ховос тумани филиали манфаатида киритилган даъво аризасига мувофиқ иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори

**Баҳромжон ҚАНААТОВ,**  
Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари

билан даъво рад этилиб, давлат божи ундирувсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди даъво талабининг кредит қарздорлигини ундириш қисми даъво аризаси судга тақдим этилгунга қадар бартаф раф этилганлиги боис, ишни судда кўриш билан боғлиқ давлат божини банк зиммасига юклаши лозим бўлган бўлса, ишни судда кўриш билан боғлиқ давлат божини ундирувсиз қолдирган.

Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан кассация инстанциясига киритилган протест қаноатлантирилиб, қонун устуворлиги таъминланган.

Шунингдек, Мирзаобод туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан киритилган даъво аризаси иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, "Назм-Гулшан аро" ХКнинг 20 миллион 813 минг 056 сўм солиқ қарзини ундириш унинг мол-мулкига қаратилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даввогар Мирзаобод туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан низои судга-

## Иқтисодий судга киритилган даъво аризаларидан 220 таси қаноатлантирилди.

ча ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилинмаган. Бу ҳолат шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, суд даъвоини кўрмасдан қолдиради. Биринчи босқич суди томонидан тегишли қонун талаблари бузилган ҳолда, ушбу низо бўйича асоссиз ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Вилоят прокуратурасининг иқтисодий суд қарорига нисбатан кассация инстанциясига киритган протести қаноатлантирилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан ушбу даврда иқтисодий суд қарорларини ўрганиш натижаси бўйича ноқонуний суд қарорларига нисбатан апелляция тартибидан 13 та, кассация тартибидан 51 та протест келтирилган. Мазкур протестларнинг 58 таси юқори инстанцияларда кўрилиб, қаноатлантирилди.



# Такси фаолияти учун енгилликлар

**Улугбек УСМОНОВ,**

Мирзо Улугбек туман прокурори ўринбосари

Мамаклатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 февралдаги "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониға асосан транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибдорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди.

Соҳадаги ислохотларнинг изчил давоми сифатида транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат муҳитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини оширишни назарда тутувчи йил ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатға асосан, 2019 йил 1 июлдан бошлаб йўналишсиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангға мувофиқ ҳолға келтириш учун (вилоятларда сариқ ва Тошкент шаҳрида фил суяги ранги) уларни бўйаш шарт эмас. Эндиликда бунинг ўрниға ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишға йўл қўйилди. Шунингдек:

- халқаро ташишларда фойдаланиладиган тўтач (шатачки) автомобилларға лицензия қарточкалари берилиши учун давлат божи тўлаш;
- "Евро-5" ва "Евро-6" экологик синф талаблариға мос келадиган янги

юк ва махсус автотранспорт воситаларини, шунингдек, автомобилда юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва ярим тиркамаларни, транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлаш; — йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши ҳақидаги;

— автомобилда юк ташиш билан шуғулланувчи яққа тадбиркорлар, шунингдек, ушбу фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс раҳбарининг маала талаблариға мувофиқлик юзасидан аттестациядан ўтиши тўғрисидаги;

— автомобилда йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича фаолиятни амалға ошириш учун лицензия олишда юридик шахсларнинг балансида транспорт воситалари мавжуд бўлиши ҳақидаги талаблар бекор қилинади.

Яна бир муҳим янгилик сифатида йўналишсиз таксилар автобуслар учун ажратилган махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда "Тўхташ таққиланади" белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташи мумкинлигини келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаларини тасдиқлаш учун амалдаги давлат божи миқдори икки баравар камайтиради. 1 сентябрдан эса оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва кўчма шохобчалар ташкил этиш тартиби жорий этилади.


Маълумки, айни пайтда енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалға ошириш билан фақатгина юридик шахслар шуғулланади. Қарорда таъқидланишича, эндиликда яққа тартибдаги тадбиркорларға шундай фаолиятини амалға ошириш ҳуқуқи берилади.

FAOLIYAT

# Прокуратура органлари кўмаги билан

Маълумки, жорий йилнинг 1 майиға қадар ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган ер участкаларини ёки қурилган турар жойларға нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси давом этади.

**Жорий йил 1 март ҳолатиға:**



**398 400** та ариза келиб тушган;



**112 425** таси қаноатлантирилган;



**48 405** таси рад этилган;




**234 235** таси кўриб чиқилмоқда.

Бу борадаги ишларни ташкил этиш ва амалға ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Прокуратура органлари томонидан комиссиялар фаолиятида қонунийликни таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш билан бирға, акция доирасида фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

**Наманган вилояти бўйича:**

**15 761** та уй-жойни хусусий мулк қилиб олишға ружхат берилган;



**21** мингдан ортққ уй-жойға нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича комиссиялар томонидан иш олиб борилмоқда.

Бош прокуратура аралашуви билан Ўрмон ҳужалиги давлат қўмитаси билан мазкур ер майдонини Поп тумани ҳокимлиги балансиға ўтказиш ҳақида келишувға эрилишиб, Поп туман ҳокимининг жорий йил 18 февралдаги тегишли қарори билан ўрмон ҳужалиги тасаруфидаги ер майдонининг ҳокимлик балансиға олиниши таъминланди.

**Поп иқтисослашган давлат ўрмон ҳужалиги**

Ер майдони	<b>258</b> гектар;
Аҳоли сони	<b>4 858</b> нафар (1 152 та оила);
Турар жой	<b>1 058</b> та.

Мазкур ҳудудда шунча аҳоли истиқомат қилиб келадиган бўлса-да, ушбу ер майдони ўрмон ҳужалигиға тегишли бўлганлиги сабабли, турар жой эғаларига мулк ҳуқуқи берилмасдан келинган.

Ушбу ер майдонида ўзбошимчилик билан турар жой қурган 1 058 нафар фуқаролардан иморатларға мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича мурожаатлари қабул қилиб олинди, уларнинг турар жойлариға нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.


**Давронбек МИРЗАЕВ,**

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Ўзбекистонда илк бор ҳарбий журналистика йўналиши ва касбий қайта тайёрлаш курси очилади.

# БОЛАМ, БЎЛАМА МЕНИНГДЕК!

ИНСОННИНГ ДУНЁГА  
КЕЛИШИ, КОМИЛ ИНСОН  
СИФАТИДА ТАРБИЯ ТОПИБ,  
ВОЯГА ЕТИШИДА ҲЕЧ КИМ  
ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИНИ БОСА  
ОЛМАЙДИ. ШУ БОИС,  
ХАЛҚИМИЗДА ҚАДИМ-  
ҚАДИМДАН ОТА-ОНАНИ  
ХЎРМАТЛАШ АЗАЛИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ  
ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИБ  
КЕЛГАН. "ОТА РОЗИ — ХУДО  
РОЗИ", "ЖАННАТ ОНАЛАР  
ПОЙИДА" СИНГАРИ НАҚЛЛАР  
ҲАМ БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН.  
ДАРҲАҚИҚАТ, ҲАР БИР  
ИНСОН ФАРЗАНДИНИНГ  
ЗИММАСИДАГИ ЭНГ АСОСИЙ  
БУРЧЛАРИДАН БИРИ,  
ШУБҲАСИЗ, ОТА-ОНАГА  
НИСБАТАН ХЎРМАТ-  
ЭҲТИРОМ САНАЛАДИ.  
МУҚАДДАС ОЯТ ВА  
ҲАДИСЛАРДА БУ МАСАЛАГА  
ТАҚРОР ВА ТАҚРОР  
МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН. БУ  
БОРАДА БУЮК  
АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ  
ЖУДА КЎП ЎГИТ ВА  
НАСИХАТЛАРИ БИЗГАЧА  
ЕТИБ КЕЛГАН.



Қамолитдин АҚҚАРОВ,  
«Huquq»

Дарвоқе, ўғил сўхбатимиз сўнггида онасининг таъминоти учун суд томонидан белгиланган суммани ўз вақтида тўлаб келмаётганини ҳам айтди. Бу жумлани келтиришимиз қанчалик оғир эканини, ота ва онасининг дуосини олиб, уларни еру кўкка ишонмай парвариш қилаётган фарзандлар яхши тушунишади.

— А.Қораев 10-12 йил аввал маҳалламизга кўчиб келган, — дейди мазкур МФЙ раиси Ақром Маждидов. — Алижон аввал отасини, кейинроқ онасини уйига олиб келди. Бу оила ўзига тўқ, четдан қараган киши ҳавас қилади. Аммо қайнона билан келин тез-тез жанжаллашиб туришади. Бундай пайтда ўғил ҳам хотинининг ёнини олиб, онаси билан "сан-ман"га борган ҳолатларга гувоҳ бўлганмиз. Ҳатто шу йил февраль ойида келин қайнонаси устидан ички ишлар идорасига шикоят қилиб, унга нисбатан чора кўришни сўрабди. Келинни чақириб, тушунтирдик, икки томонни муроасага келтирдик. Шундан сўнг келин аризасини қайтариб олди. Тўғри, С.Қораеванинг феъли чатоқроқ. Лекин бу билан онани айблamoқчи эмасман. Онаси қандай бўлганда ҳам фарзанди волидаси билан келишиб яшаши, ҳурматини жойига қўйиши керак. Келин ҳам бундан истисно эмас. Аслида миллатимиз учун иснод бўлган бу каби ҳолатларга йўл қўймастик учун фарзанд масъул бўлиши шарт.

Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, ота-она розилигини олишга ҳаракат қилиб, уларнинг хизматида юрган ўғил ва қизларга атрофдагиларнинг ҳаваси келади. Бу каби фарзандлар беминнат, чиройли хизмати туфайли нафақат ота-онасининг, балки бошқаларнинг ҳам "Отасига раҳмат", "Онасига раҳмат" деган дуоларини олишга мурасар бўладилар. Бундайлар нафақат оиласи, балки жамият учун ҳам энг кўп нафи тегадиган инсонлардир.

Шу билан бирга, ота-онасининг қадрига етмайдиганлар ҳам ҳар замонда бўлса-да, учраб туради. Афсуски, бундайларнинг сони ҳозирги замонга келиб бирмунча ошди, дейишимизга асосларимиз бор. Ота-онаси кексайганда уларнинг инжиқликларини кўтара олмай, юзсизлик қилаётган, уларни хўрлаб, қаровсиз қолдираётган ҳолатларга тез-тез гувоҳ бўлаётганимиз, миллий қадриятларимиздан узоқлашаётганимизнинг бир кўриниши эмасми?

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг маълумотларини келтирадиган бўлса, айни вақтда фарзандларидан «алимент» яъни, таъминот ундириш борасида чиқарилган суд қарорлари ижросига қаратилган ишлар 291 тани ташкил этмоқда. Булар асосан меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналар фойдасига ундирув билан боғлиқ ҳолатлардир. Мазкур ижро ҳужжатлари билан танишар эканмиз, улар орасида бир уйда яшаб, қозонини алоҳида қилиб қўйиб, ота-онасидан бир қоса овқатини қизганаётган ўзбек фарзандлари борлиги, дилингизни гашлайди.

Хусусан, 2015 йилнинг май ойида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди томонидан фуқаро Салима Қораеванинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўғли Алижон Қораевдан таъминот талаб қилиб ёзган аризаси кўриб чиқилиб, онанинг фойдасига ҳар ойда фарзандидан 100 минг сўм ундириш ҳақида қарор чиқарилган. Наҳотки, 9 ой юрагининг тагида сақлаб, дунёга келтирган, кечая кундуз тепасида парвона бўлган, баданига тикан кирса, гўёки киприқлари билан олган, гўдаклигидаги инжиқликларига чидаган она, кучдан қолганда фарзандидан таъминот сўраб, судга мурожаат қилса... Вазият шунчаликка бориб етишига нима сабаб бўлган?

— Ёшим 67 да. Бир ўғил, бир қизни вояга етказиб, оилани, уйли-жойли қилдим, — дейди Салима Қораева. —

Қарилки бўлса керак, айни вақтда юрагим хаста, қон босимим тез-тез кўтарилиб туради. Шифокор ёзиб берган дориларни мунтазам ичиб турмасам, аҳволим ёмонлашади. Фарзандларим тарбияси билан бўлиб, кўп ишлай олмадим. Иш стажим кам бўлгани учун пенсиям ҳам кам. Айни вақтда пенсиям дориларни тўлиқ сотиб олишимга етмайди. Шунинг учун ҳам ўғлимга шифокор ёзиб берган дориларни олиб келишини ёки пул бериб тўрса, уларни ўзим олишимни айтганимда, ёрдам беришни истамди. Сабаби фақат ўзига оён.

Бир неча йил аввал турмуш ўртоғим билан келишиб, уйимизни ўғлимнинг номига ўтказиб бердик. У эса уйни сотиб юборди-да, бошқа жойдан уй қўриб, оиласи қизим кўчиб кетди. Янги уйига бизни олиб кетишни хохламади. Шундай қилса, оиласи билан тинч яшармиш...

Тўғри, келиним билан турли масалаларда торттишиб, тез-тез жанжаллашиб қолардик. Яхшиям, кўп қаватли уйларида оиламизга тегишли хонадон бор эди. Ўғлим уйига киритмаганидан кейин чол-кампир шу уйда яшай бошладик. 2009 йилда қизимнинг фарзанди оғир дард (қон саратони)га чалинди. Неварамни даволатиш кўп маблағ талаб қилгани учун қизим қийналиб қолди. Ўз уйини сотиб ҳам даволаш харажатларига етказо олмади. Ўғлимга бир неча марта сингисига ёрдам беришини айтсам-да, ўзининг муаммолари кўплигини рўқач қилиб, кўмак беришни истамди. Шундан кейин чол-кампир маслаҳатлашиб, квартирамизни сотиб, неварам даволаниши учун пул бердик. Ўзимиз ўғлим

нинг уйига келишга мажбур бўлдик. Махалла ва бошқа идоралар ўртага тушгандан кейин ўғлим бизни уйга киритди. Лекин шундан буён уйдан чиқиб кетишимизни айтиб, бизни ҳайдайди. Ёрдам бергиси келмайди. Шу сабабли суд орқали таъминот ундиришга мажбур бўлгандим.

Алижон Қораевдан Салима хола ўз онасини ёки ўғайми, деб сўраганимизда, "Ўз онам", деб жавоб бериб, гапини давом эттирди:

— Онам мени судга беришларининг биринчи сабаби, уларнинг турмуш ўртоғим билан 20 йилдан буён чиқиса олмаи, жанжаллашиб келётганлари бўлса, инжиклиги ўша вақтда муаммоларим кўплиги боис, синглимга ёрдам бера олмаганим. Шунинг учун ҳозирча мендан қандай бўлмасин пул ундиришга ҳаракат қилаверадилар. Яна бир салбий томонлари одамларнинг устидан турли жойларга ёзиш одатлари бор. Бизнинг уйга кўчиб келганларидан буён онамнинг "ёз-ёзди"-ларидан қўшинларимиз ҳам беизиб қолишди. Аёлим билан ҳар кунни жанжаллашади. Сабаби, онам ҳар жойдан муаммо топиб, вазиятни жанжалга олиб келаверадилар. Хуллас, онамнинг инжиқликлари боис, оиламнинг тинчи йўқолган. Уларнинг таъминотига келсам, эътиборимдан четда қолмайди. Айни вақтда қозонлари бўлак, лекин рўзгорларидан хабар олишни қилмайман. Шу билан бирга, ҳар олти ойда ота-онамга ситҳаттоҳга йўлланма олиб бераман, отам ётиб даволанадилар, онам эса ўртамаздаги адоват боис, ётишни истамайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, икки томоннинг ҳам қайсидир маънода айтиб бор. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бундай ҳолатда ўғил онасига эътиборли бўлиб, унинг инжиқликларини кўтариши ҳам қарз, ҳам фарз. Қолаверса, бу дунё чиндан ҳам қайтар дунёдир. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир кун албатта, қайтади.

Маълумот ўрнида, айни вақтда республикамизда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 7 та Саховат уйлари фаолият олиб бормоқда. Уларда 751 нафар боқувчисни йўқ ёки боқувчисини йўқотган фуқаролар васийликка олиниб, мурувват кўрсатилмоқда. Хукуматимиз қарияларга фарзанд ўрнида фарзанд бўлиб, парваришмоқда, кексалик гаштини суришлари учун етарли шарт-шароитларни яратиб бормоқда. Аммо ораимизда шундай қимсалар ҳам учрайдики, улар фарзандини катта қилиш учун тунларини бедор ўтказган, хастанаси, қўлида кўтариб, тонг орттирган, жамиятга керакли одам қилиш учун тинмай меҳнат қилган, ўзи емай едирган, катта бўлганда ҳам йўлларига интизор бўлган ота-оналарининг ҳолидан хабар олишни ўзига эп кўрмайди. Ҳатто кунда бир марта бўлса-да, улар билан телефон орқали гаплашишга "вақт тополмайди".

Аслида фарзанд учун ота-она дуосидан ортиқ муқофот йўқ. Энг тез қабул қилинадиган дуо, бу ота-онанинг фарзандлари учун қилган дуосидир. Шундай экан, уларнинг дуосини олишга ошпақайлик. Зеро, ота-онанинг қалбидан чиққан эзгу ниятларнинг рўёби шубҳасиз.

# АМАЛЛАРНИНГ АФЗАЛИ



Баҳодир АМИНОВ,  
«Олтинхонтура» жоме масжиди  
имом хатиби

дан кўради.

10. Ота-онасига оқ бўлган инсон агар тавҳид аҳлидан бўлса, жаннатга биринчилар қаторида киролмайди.

11. Гарчи жаннатга кирса ҳам Аллоҳ унга назар қилмайди.

Аллоҳ таолонинг бир бандасига назар қилмай, "юз буриши" аслида мўмин киши учун энг катта жазодир. Набий (алайхиссалом) дедилар: "Уч тоифа инсон борки, Аллоҳ азза ва жалла Қиёмат куни уларга боқмайди. Улар: ота-онасига оқ фарзанд, ўзини эркакча тутадиган аёл ҳамда даюс кишидир". Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: "Миннатчи, ота-онасига оқ фарзанд ва ҳамраги муккасидан кетган киши жаннатга кирмайди", дейилди.

Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинишича, бир куни Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!.. Яна хор бўлсин!..", — дедилар. Саҳобийлар "Ким (хор бўлсин), Ё Расулаллоҳ!", — дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ота-онасини ҳар иккиси ёки бирига — уларнинг қарилк чоғида — етишгану, лекин (уларни рози қилиб) жаннатга кирмаган киши!", — дедилар.

Ота-онани ҳақорат қилиш эса уланн гуноҳ ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: Расулаллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Одам боласининг гуноҳи азимларидан бири ота-онасини ҳақорат қилмоғидир! дедилар. Шунда: Ё Расулаллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилади, дейишди. Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур, деб жавоб бердилар.

Ота-она вафот этганидан кейин ҳам фарзанднинг улар олдидаги бурчлари тугамайди. Абу Усайд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: "Расулаллоҳнинг хузурига Бани Салама қабилидан бир киши келди. Мен у зотнинг олдиларида эдим. Келган киши сўради: — Ё Расулаллоҳ! Ота-онам ўтиб кетди. Зиммадан уларга яхшилик қилишимдан бирор нарса қолдими? — деди.

Расулаллоҳ унга: — Ҳа! Тўрт нарса қолди, уларнинг ҳаққига дуо қилмоғинг, уларга истиғфор айтмоғинг, икковларидан кейин ваъдаларини бажармоғинг, ота-онангдан сенга қариндош бўлганларга силаи раҳм қилмоғинг. Бас, бунга амал қил! — дедилар.

Оила — Ватан ичра Ватан, инсон аталмиш буюк мавжудотлар тарбияланадиган мустаҳкам қўрғон. Ота-она саноаткор, бола санъат асари, тарбия жараёнининг ўзи эса бир мўъжизавий санъат.

Дунё мисли чархпалак. Ота-оналаримизни қанчалик ҳурмат қиларик, авлодларимиздан шунга яраша эъзоз топамиз.


Аллоҳ таоло барчамизни ота-онага яхшилик қиладиган, уларнинг дуосини олиб, дунёю охиратда бахту саодатга эришадиган инсонлар қаторида қилган бўлсин, юртимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин!

Маълумки, спиртли ичимлик худди гиёҳванд модда каби кишини эс-хушидан айиради. Ичкиликка муккасидан кетган кимсаларнинг айримлари мастлигида гап уқмас, тажовузкор бўлиб қолади. Иши ортга кетади, рўзгоридан барака кўтарилмайди. Оилавий можаролар, кўйди-чикдиларнинг аксари ичкилик оқибатида келиб чиқмоқда.

## Аёлидан айрилган эр терговда...

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
"Huquq"

Ўзбекистон туманининг Ўқчи — Дашт қишлоғида яшовчи Ш.Ф. 36 ёшга кирган, олий маълумотли, уч нафар вояга етмаган фарзанди бор. Касб-хунар коллежи талабаларига 12 йил тарих фанидан сабоқ берган. 2017 йилдан буюн ёлланма иши бўлиб рўзгор тебратиб келган. Турмуш ўртоғи Г.Ф. ҳам олий маълумотли, уй бекаси эди.



Жорий йилнинг, 9 март куни Ш.Ф. кўшни қишлоқда яшовчи қариндошининг никоҳ тўйида спиртли ичимлик ичиб, соат кундузги уч яримларда уйига қайтиб келган. Маст-аласт йигит рафикаси Г.Ф. билан гап талашиб қолган. Жанжал авжига чиқиб, аёлининг боши, юз-кўзларига аямая уриб, тепаверган.

Ш.Ф.нинг жияни И.М. тез-тиббий ёрдамга кўнғироқ қилган. Хонадонга етиб келган тез-тиббий ёрдам фойдорлари биринчи ёрдам кўрсатиб, соат 16-50да аёлни туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шосилинч тез-тиббий ёрдам марказига етказишган. Бироқ кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамадан аёл шифохонада вафот этган. Туман прокуратураси, ИИБ тергов-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борган. Суд-тиббий экспертизасининг дастлабки хулосасига кўра, аёлнинг бош мия парда остига қон қуйилиши, бош мия тал ейтиши оқибатида жони узилган. Рафикасининг умрига зомин бўлган Ш.Ф.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

JARAYON

## Тадбиркорларга яна бир қулайлик

Отабек АДИЛОВ,  
МИБ Жиззах вилоят бошқармаси бўлим инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўра, улғуржи истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилган эди.

Эндиликда ушбу тартиб-қоидаларга ўзгартириш киритилди. Яъни истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш, маъмурий истеъмолчилар бундан мустасно, 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмайдиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланганидан қамада 5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганларга тақдирда, электр энергияси 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Бу эса тадбиркорларга ўз бизнесларини юритишда яна бир қулайликдир.

Айтиш мумкинки, Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини тегишли бандларига ўзгартиришлар киритилиши ҳам тадбиркорлик субъектлари учун айни муддао бўлди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, илгари электр энергияси шартномада кўрсатилганидан 5 фоздан кўп истеъмол қилинганда, ортқ истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 1,5 баравари миқдориди тўлов ундирилади. Бунинг натижасида истеъмолчиларнинг 0,35 фоиз маблағи тежаллади.

Баъзида жисмоний ва юридик шахсларнинг тармоқлардан ноқонуний фойдаланишига, энергия ресурсларини тежаб ишлатмаётганига, пировардида, маъмурий ёки жиний жавобгарликка тортилаётганига гувоҳ бўлаемиз. Шунинг учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланайлик ва ҳисоб-китоблари ўз вақтида амалга оширайлик.

Ота-она фарзанди учун борини, керак бўлса, жонини беришга тайёр. Бу шунчаки баланд парвоз гаплар эмас. Фарзанд гулзордаги энг нафис гул бўлса, ота-она шу гулзордаги бобгон саналади. Динимизда уларнинг дуосини олиш, хизматида бўлиш ва уларни ардоқлашга буюрилади. Бу борада Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

"Раббинг, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онанингизнинг) бириси ёки ҳар иккиси сенинг кўл остинда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма, уларни жеркма. Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан, хорлик қанотингни паст тут — ҳоқисор бўл ва: — "Парвардигорим, мени гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин!", деб (ҳақларига дуо қил)!" (Исро сураси, 23-24-оятлар).

Демак, ота-онага яхшилик қилиш шу қадар улғу амал экани, Аллоҳга ибодат қилишдан кейинги ўринда зикр этилмоқда. Шунинг учун фарзанд ота-онаси олдида ҳеч қачон "уф!..." тортиши керак эмас. Уламоларимиз оятдаги "уф!..." ни шарҳлар экан, унда иккита маъно борлигини эътироф этишадди. Биринчидан, ота-онага сўз айтиб, беҳурмат қилма, иккинчидан улар болам оғир ахволга тушибди деб, озорланади, деганидир.

Ота-онага оқ бўлиш ҳолатлари кўп бўлиб, улар турли-туман кўринишларда намоён бўлади. Жумладан, ота-онага бақирини, жерки бериш, дилларини оғритиш, улар бирор сўз айтганларида ёхуд иш буюрганларида малолланиб "уф" дейиш, улар хузурда қовоғи солиқ, пешонаси тиришган ҳолда юриш, уларга таҳдир ёки газаб назари билан боқиш, ўзи дам олиб, уларга иш буюриш ёки ишлатиш, улар тайёрлаган таомни ёмонлаш, ота-она гапирётганда улардан юз буриш ёки сўзларини бўлиш, ўзининг ёмон хулқи билан уйдан ташқарида бировларга азият етказиш орқали ота-онасига лаънат келтириш, обрўларини тушириш ҳам ота-онага оқ бўлишнинг айни ўзидир. Бу қотиллик, безорилик каби оғир жиноятлар содир қилиш, шунингдек, ўғирлик, товламачилик, порохўрлик каби оила шаънини ерга уриб, кишининг обрўсини туширадиган тубан ишлар билан шугулланиш каби ишларда кўринади. Кўпинча бундай ишлар билан шугулланувчи кимсаларнинг оқибати қамок ёки шармандалик билан яқун топади.

Бундай ҳолатлар ота-онанинг эл-юрт ичидидаги шаънига, покиза номларига ювиб-кетказиб бўлмайдиган доғ туширади. Уларни ноқобил фарзандлари туфайли мислсиз гам-кайғу ва шармандалик ичида қолишга, тик бошлари умрбод эгик бўлишга маҳкум қилади.

Ота-онага итоат этиш, уларга яхши муомалада бўлиш ҳақида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан кўпгина ҳадислар ворид бўлган. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) ривоят қилади: "Пайғамбаримиздан "Амалларнинг қайси бири афзал?" деб сўрадим. "Вақтида ўқилган намоз", дедилар. "Кейин нима?" дедим. "Ота-онага яхшилик қилиш" дедилар.

Расулаллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Сизларга кабира гуноҳларнинг энг каттаси нималар эканлигини айтишим?" — дедилар, — "(Кабираларнинг энг каттаси) Аллоҳга ширк келтириш кейин ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик беришдир".

Ислому умматининг барча уламолари ота-онага оқ бўлиш ҳаром ва унинг гуноҳи кабиралардан эканлиги борасида яқдилдирлар. Ота-онасига оқ бўлган, яъни ота-онасига ўзининг итоатсизлиги, ёмон хулқи ва кўпол муомаласи билан озор етказувчи, улардан яхшиликни дариг тутувчи фарзанд Аллоҳ таоло томонидан бу дунёда турли уқубатлар билан жазоланади:

1. Унинг ризқи тор қилиб қўйилади, мабодо кенг бўлса ҳам бу истидрож бобидан бўлади. Яъни, агар ундай инсоннинг ризқи тораийиш ўрнига кенгаётган бўлса, аслида, бу унинг фойдасига эмас, зарарига бўлаётган, унинг янада тугёнга кетиб, гуноҳлар жарлиги қилувчи кишининг умри ота-онасига яхшилик қилувчи, қариндошлари билан бордикелди қилувчи кишининг умриде қузайтириб қўйилмайди.

2. Унинг солиҳ амаллари Аллоҳ хузурига кўтарилмайди.

3. Ундай кимсани Аллоҳ таоло ёмон кўради.

4. Уни ўз аҳли оиласи ва кўни-қўшнилари ҳам севишмайди.


5. Ундай инсоннинг ёмон хотима топши аҳтимолли бор.

6. Ота-онасига оқ бўлган инсонни Аллоҳ, фаришталар, мўминлар ҳам лаънатлайдилар.

7. Ота-онасига оқ бўлган инсонни Аллоҳ, фаришталар, мўминлар ҳам лаънатлайдилар.

8. Дуоси ижобат бўлмайди.

9. У ота-онасига қандай ёмон муомала қилган бўлса, худди шундай муомалани ўз фарзандлари ва набиралари-



## FAOLIYATIDAN

**Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш тараққийнинг муҳим шартини ҳисобланади.**

Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Яширин иқтисодиёт — тараққий қушандаси. Шу боис бу борада ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

# Давлат хизматчилари жиноятга қўл урди

ти. Тезкор таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 57 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 4 та жиноят ва 53 та маъмурий иш кўзга тилиди. Ҳуқуқбузарлардан 736,3 миллион сўмлик ноқонуний ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хусусан, ўтказилган тадбир натижасида Қасқадарё туманида яшовчи фуқаро Борис Бакиров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўз уйида яширин цех (мойжувоз) ташкил қилиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда пахта чигитидан қўлбола усулда ёғ ва кунжара ишлаб чиқариб, сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Мазкур яширин цехдан чигит, пахта ёғи, қўлбола усулда тайёрланган мойжувоз ускунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарга нисбатан суд ҳукми билан тегишли жазо таъинланди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши иқтисодиётимизга, давлат бюджетига жиддий зиён етказди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласи-

ни янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доимий назоратимизда турибди. Бу бо-

### Коррупция билан боғлиқ 94 та жиноят ишлари кўзга тилинган.

рада олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 21 та жиноят иши кўзга тилинди.

Коррупция давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатига бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф эканлиги барчага маълум. Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ўтган йил мобайнида коррупция ҳолатини фош этиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида жами 94 та, шу жумладан, 4 ҳолатда ҳокимият, 2 та ҳолатда солиқ, 3 та ҳолатда банк ходимларига ва 83 та ҳолатда бошқа идоралар ходимларига нисбатан жиноят ишлари кўзга тилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси шифокори Эргаш Сариков фу-

қаро Нозима Эшоновадан унинг қизини онкология диспансерига ишга киритиб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари олганлиги аниқланди ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилинди. Шунингдек, кўп қаватли уйлардаги квартираларни бириктириш бўйича Урганч шаҳар ҳудудий комиссиясининг уч нафар аъзоси олдиндан тил бириктириб, уйга муҳтож фуқаро сифатида Х.Отажоновга арзон, кўп қаватли уйдан бир хонали квартирани уч хоналисига алмаштириб бериш эвазига 3 миллион сўм пулларни олаётган вақтида ушланган. Ушбу ҳуқуқбузарларга нисба-

### 700 млн. сўмликдан ошиқ ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олиб қўйилди.

танд тегишли жазо таъинланиб, суд ҳукми ўқилди.

Хонқа туманида жойлашган мактабнинг ўқув ишлари бўйи-

**Файратжон СУЛТАНОВ,**  
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

ча директор ўринбосари Махлиб Пирматовга эса бошлангич синф раҳбарлигини бериш эвазига ўқитувчи Н.Ҳайитовдан 200 АҚШ доллари сўраган. У ушбу пулларни туман халқ таълими бўлими ходимига аталганини айтиб, ундан 150 АҚШ доллари олганлиги аниқланди. Ушбу фуқарога нисбатан ҳам тегишли жазо таъинланди.

Шунингдек, тезкор тадбирда Қўшқўл тумани ҳокими ёрдамчиси 2 нафар фуқарони ташқи меҳнат миграцияси агентлигида ишловчи танишлари орқали Жанубий Корея давлатига ишлагача юбориш эвазига 8000 АҚШ долларини олган пайтда ушланди. Урганч туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари эса фуқаро А.Эргашевга тегишли турар жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш масаласини ижобий ҳал қилиб бериш эвазига 5 миллион сўм пулларни пора тариқасида олганлиги аниқланди. Ушбу ҳуқуқбузарларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо белгиланди.

## Баднафслик касофати

**Раҳбарлик лавозимида ишларнинг ўзига яраша масъулиятни бор. Янсаб кишидан ҳалоллик, адолатлилик ва диёнат деган инсоний фазилатларни талаб этади. Табиатида ана шундай хислатлар бўлмаган киши ноқонуний ишларга мойил бўлиб, оқибатда унинг қилмишлари тезда фош бўлади.**

Айрим кимсалар таълим соҳасида раҳбарлик лавозимида ишлаб, устоз деган шарафли номга доғ тушириб қўйишмоқда. Ана шундайлардан бири Муборак тумани халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаган Одил Хусанов (исм-фамилиялар ўзгартirilган)дир. У ўзига ишониб топширилган ваколатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлиб

**Тўлқин ҚУРБАНОВ,**  
Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

қаттиқ адашди. Департаментнинг Муборак тумани бўлими ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда у Санобар Умаровани тумандаги 1-умумтаълим мактабига инглиз тили ўқитувчиси вазифасига жойлаштириб қўйиш шартин билан ўзига тегишли "Ласетти" автомашинасида 2 миллион 400 минг сўм пулларни олган вақтида ушланди.

Ортиқча қийинчиликларсиз, "бели оғирмай" ҳамёни пулга ўтлаётганидан қувониб юрган О.Хусанов кун келиб қилмишлари ошкор бўлишни унутган эди. Унинг ноқонуний хатти-ҳаракати жавобсиз қолмади. Суд ҳукми билан О.Хусановга нисбатан қилмишига яраша жазо таъинланди.

## Фаол инвестиция — ривожланиш гарови

**Камол ИСАБАЕВ,**  
Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси бўлим катта тафтишчиси

Департаментнинг вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлар томонидан 2018 йилда инсофли тадбиркорлар, чет эл инвесторларини улар фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ноқонуний аралашуvidан ҳимоя қилиш, бизнесни ривожлантиришга тўқинлик қилувчи сунъий бюрократик тўсиқ ва довларга чек қўйиш борасида 34 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, барчаси бўйича жиноят ишлари кўзга тилинган.

Импортни оптималлаштиришга ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш борасида импорт қилинаётган маҳсулот турлари ҳамда ушбу турдаги маҳаллий ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати ва таркиби ўрганилиб, иқтисодий жиҳатдан маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиниши афзал бўлган товарлар туманлар кесимида таҳлил қилиниб, импортёр ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида умумий қиймати 246,4 минг АҚШ доллари бўлган жами 10 та кооперация шартномалар тузилишига эришилган.

Импорт товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 33 та қонун бузилиши ҳолати фош этилиб, ноқонуний муомаладан жами 292,6 миллион сўмлик импорт товарлар олиб қўйилган.

Бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан максимал сўм фойдаланиш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 22 та жиноят ишлари кўзга тилиб, 2 миллиард 276 миллион сўм зарар аниқланиб, шундан 1 миллиард 184 миллион 400 минг сўми ундирилган.

Давлат харидларида нархларни ошириб юборишнинг олдини олиш борасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тадбирлар давом эттирилмоқда.

## Океан орти иштиёқи...

**Бугунги кунда одамлар чет элга кетиш тўзусида фиррибгарлар урсига тушиб қолишмоқда.**

**Жалолiddин АБДУҚОБИЛОВ,**  
Департаментнинг Пахтачи туман бўлими инспектори

Департаментнинг Самарқанд туман бўлимига фуқаро О.Убайдов ариза билан мурожаат қилган. Тўпланган ҳужжатларга кўра, фуқаро Д.Абдуқодиров О.Убайдовга ўзини прокуратура ходими деб таништириб, "Green Card" лотереяси ўйинларида ютиб чиққан отаси билан биргаликда АҚШга юборишни ваъда қилган. Шундан сўнг ундан 1700 АҚШ доллари талаб қилиб, 1200 АҚШ долларини фиррибгарлик йўли билан олиб, ўз манфаати учун

ишлатиб юборган.

Олиб борилган тергов олди суриштирув ҳаракатлари давомида Д.Абдуқодиров фиррибгарлик йўли билан қўлга киритган 1200 АҚШ долларининг 400 АҚШ долларини ўз хоҳиши билан қайтарган. Бу ҳолат бошқарма ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида баённома билан расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

## Сохта департамент ходими

**Корхона, муассаса, ташкилотлар бандликка кўмаклашиш марказларига ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларни тақдим этишади. Иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар касби-қорига мос ишга жойлаштирилади ёки қайта касбга ўқитилади, жамоат ишларига йўналтирилади.**

**Жамолбек МИРЗАХМЕДОВ,**  
Департаментнинг Беширқач туман бўлими бошлиғи

Айримлар, марказга боришни эп кўрмай, таниш-билиш орқали болалари ишга жойлаштирмоқчи бўлишади. Хусусан, бозорда кўрпа-ёстиқ савдоси билан машғул Инобатхон опа (исм-фамилиялар ўзгартirilган) таниш йигитни учратади. Юрсинали гап орасида, "Департаментда ишляпман, бозорда тадбир ўтказаямиз", дейди. Аёл "Шунақами, тарбиячиликка ўқиган қизим Иноятхонга ёрдам беринг, ишга киритиб қўйинг", дея илтимос қилади. Юрсиналида ўз оёғи билан келиб турган

"луқма"ни қўлга киритиш "иштиёқи" туғилади. Савдолашиб, 200 АҚШ доллари эвазига ишга жойлаштириб қўйишни зиммасига олади.

Келишилган кун Иноятхон билан Беширқач туман мактабга таълим бўлимига боради. Ишга кириш учун тегишли ҳужжатларни топширишади. Сўнгра Иноятхондан аввали 200 минг сўм талаб қилади, қолганини иш бошлаганингизда берадиз, дейди.

Келаси кун аёл ҳужжатларини қайтариб олмақчи бўлади. Бунинг сабабини билган мактабга-

ча таълим бўлими бошлиғи ва кадрлар бўлими ходими тамағир ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишни тайинлашади. Бу орада Иноятхон мактабга таълим муассасасига тарбиячи сифатида ишга қабул қилинади. Бундан хабар топган сохта "департамент ходими" Юрсинали Абдувоҳидов унга, "пулни беринг, бўлмаса, ишдан бўшаттириб юборман", дея дўқ-пўписа қилади. Ававалига 200 минг сўм, орадан уч кун ўтиб, 1 миллион 400 минг сўм талаб қилиб олган, сохта "департамент ходими" жиноят устида ушланди. Суд унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.







## FAOLIYATIDAN

**Бюронинг Каттакўрғон шаҳар бўлими томонидан Каттакўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактаби мансабдор шахслари ва бошқаларнинг қилмишлари фош этилди.**

Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда мактаб ҳовлисидаги ҳонада электр энергиясига электр ҳисоблагичсиз уланиб,

# Таълим муассасасидаги қинғирлик

5,5 кВт соат қувватга эга бўлган сув насоси учун электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келган. Аниқланган ҳолат тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди.

Каттакўрғон шаҳар электр таъминоти корхонаси ва "Ўздавэнегрозавот" ҳудудий бўлимининг хулосаларига кўра, 4-умумтаълим мактаби мансабдор шахслари ва бошқалар давлат манфаатларига 25 миллион 603 минг сўм зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.


Шунингдек, Бюронинг Самарқанд шаҳар бўлими ходимлари томонидан Самарқанд шаҳар "Геофизика" кўрғонда жойлашган 40-умумий ўрта таълим мактаби текширилганда 2 та иситиш қозони табиий газ тармоғига газ ҳисоблагичсиз тўғридан-тўғри улангани, 2

**Анвар ВОҲИДОВ,**  
МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

та иситиш қозонидан газ ҳисоблагич тамгалари узилган ҳолатда фойдаланиб келингани маълум бўлди. Натижада давлат манфаатларига 56 миллион 770 минг сўм миқдорда зарар етказилган.

**Мактабда сув насоси сабаб 25 млн. сўмдан ошиқ зарар етказилди.**

Ҳолат юзасидан Бюронинг Самарқанд шаҳар бўлими томонидан мактаб маъмуриятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.



## Ойнинг ўн беши қоронғу бўлишини истамасангиз...

Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ва ҳужжатларига кўра, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни икки ойдан ортқ мuddат мобайнида тўламаслик, ўн беш сутка мuddатга маъмурий қamoққа олишга ёки ишбу Кодексга мувофиқ маъмурий қamoқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиқни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда, Бош прокуратура ҳузурдаги мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан алимент қарздорлиқларини ундиришда тўловни пайсалга солаётган фуқароларга нисбатан қонунчилик талаблари қўлланилмоқда. Қўйидаги мақолаларда шу ҳусусида сўз юритилади.

## Боласидан "қарздор" лар

**Эркин АЛМУРОДОВ,**  
МИБ Галлаорол туман бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгулига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", деб белгиланган бўлиши билан. Аммо муқаддас деб аталмиш оила қадрига етмайдиган, оилада учраб турадиган камчилик ва муаммолар сабаб ажралиб кетаётган ҳамда фарзанди келажагига беъэтибор ота-оналар ҳам ораимизда йўқ эмас.

Галлаороллик Т.А. Жиззах туманлараро судининг буйруғига асосан Ш.Х. фойдасига бир нафар фарзанди моддий таъминоти учун алимент тўлаши лозим бўлган. Аммо у йиллар давомида ўз фарзанди учун алимент тўлашдан бош тортиб келган ва унинг қарзи 11 миллион сўмдан ошиб кетган. Шунга асосан, Мажбурий ижро бюроси Галлаорол туман бўлими давлат ижро қисми томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-4-моддаси билан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Галлаорол туман маъмурий судининг қарори билан Т.А.га 15 кунлик маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, Галлаорол тумани, Қўйтош ШФЙда яшовчи фуқаро Б.С.га 2 миллион 600 минг сўмдан зиёд, Бахт МФЙда яшовчи фуқаро Ш.М.га 3 миллион 353 минг сўм алимент қарзини тўламагани боис 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

## Масъулиятни унутган "ота"лар

**Гулноза ДИЛМУРОВА,**  
МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

Фарзанд ота-она учун қанчалар азиз ва қадрли. Бу неъматнинг қадрига етиш эса инсон олдидидаги энг шарафли ва масъулиятли вазифа, муҳим бурч саналади. Бироқ, берилган бу инъомнинг қадрига етмайдиган, уни зарарча ҳис қилмайдиган инсонларнинг ҳам борлигига ҳайрон қоласан баъзида.

Мажбурий ижро бюросининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳам вилоят маъмурий суди билан ҳамкорликда очиқ сайёр суд мажлисларини ташкил этмоқда. Нишон туманида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган 12 нафар қарздор фуқаронинг иши атрофича ўрганилди ва уларнинг кўрсатмалари тингланди.

Туманнинг "Ок олтин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида истиқомат қилувчи фуқаро Гавхар Шеробоева 2018 йилнинг январь ойдан буён турмуш ўртоғи Музаффар Умрқуловдан икки нафар вояга етмаган фарзанди учун алимент қарзларини ундира олмай келган. Шу сабабли унга 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланди.

Собир Тошмуродов ҳам 9 ойдири, қувёи Жуманазар Сафаровдан набирасининг алимент пулини ундира олмаётган эди. Ж.Сафаровнинг аёли бу оламини тарқ этиши набиранинг бобоси қўлида тарбияланишига сабаб бўлди. Хуллас, бу иш юзасидан тўғри қарорга келинди. Ж.Сафаров суд залининг ўзида алимент пулини тўлаб, маъмурий қamoқ жазосига тортилмайдиган бўлди.

Мазкур сайёр суд мажлисида қўрилган 12 та ҳолатнинг 7 таси бўйича маъмурий қamoқ жазоси тайинланди ва 5 таси ижобий яқун топди. Бу каби суд мажлислари вилоятнинг ҳар бир туманида доимий равишда ўтказилмоқда.



## Ҳуқуқий асослар етарли, аммо...

**Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча ҳуқуқий асослар етарли. Аммо шундай бўлса-да, айрим шахслар мўмай пул топиш мақсадида, ноқонуний йўллар билан фаолият юритмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан тегишли шартнома асосида фаолият кўрсатаётган савдо дўконларида давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларнинг ва бошқа товар-моддий бойликларнинг сақланиши, сотилиши ва сотувдан

**Бобирбек ҲАЙИТОВ,**  
Бош прокуратура ҳузурдаги МИБ бўлим катта тафтишчиси

тушган маблағларнинг белгиланган тартибда бюджетга ўтказилиши юзасидан текшириш ўтказилганда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналардан бирига қарашли савдо дўконидида инвентаризация ўтказилди. Ўтказилган текшириш натижасида жамият савдо дўконидида сақланаётган товар-моддий бойликлардан умумий қиймати 279 221,4 минг сўмлик маҳсулотлар камоматида мавжудлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан корхона мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

## 30 кунда 12 миллиард

**Аввал хабар берганимиздек, МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ билан ҳамкорликда қўшма рейд-тадбирлар ўтказмоқда. Қўшма тадбирнинг 30-кунда жами ундирилган жарималар қарори 11 миллиард 761 миллион 746 минг 865 сўмни ташкил этди. Рейд давомида 39 148 нафар қоидабузарлар аниқланди.**

Тошкент шаҳар ҳайдовчиларининг бошқа вилоятларда содир этган ҳуқуқбузарликлари бўйича 5 миллиард 585 миллион 272 минг 635 сўм жарималар ундириб олинди. Бюронинг иш юритишдаги ижро ҳужжатлари бўйича пойтахтнинг 20 та марказий қўчаларида ЙҲХБнинг

патруль-хизмат автомобилларида ўрнатилган автоматик мослама ёрдамида 30 кунда 14 214 нафар қоидабузардан 4 миллиард 656 миллион сўмлик жарималар ундирилди.

Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида эса 1 миллиард 633 миллион 341

**Элдор САФАРОВ,**  
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори

минг 533 сўмлик жарималар ундирилиб, 6 801 нафар қоидабузар аниқланган. Шунингдек, 54 та автотранспорт воситалари жарима майдончаларига жойлаштирилди.

Йўл ҳаракати қодаларини бузиш оқибатида келиб чиққан ҳуқуқбузарликлар учун тўланмаган жарималар энди шу тартибда мажбурий ундирилди, акс ҳолда автотранспорт воситаси жарима майдончасига қўйилади.



## FAOLIYATIDAN

Ер кодекси ер муҳофазаси, тупроқ унумдорлигини асраш ва оширишга оид нормаларни мустақамловчи махсус қонун ҳисобланса, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ер муҳофазаси, тупроқ унумдорлигини асраш ва оширишга оид қонун ва талабларни бузганлик учун жазо чораларини кўзда туттади.

Боз прокуратура хузуридаги Агротехнология мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминлаши устидан назорат қилиш инспекциясининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан Ер кодекси ҳамда ердан фойдаланиш тартибини белгилловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доимий ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу борада 53 та текшириш ўтказилиб, жами 618 ҳолатда ердан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани маълум бўлди. Ўрга-

# ЕР — ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО МУЛКИ

## унда келажак авлоднинг ҳам ҳаққи бор

нишлар давомида қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 64 та протест келтирилди ва 23 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 12 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилган бўлса, 28 нафар шахс интими, 448 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ердан фойдаланиш борасидаги қонунбузарликлар орасида фуқароларга ноқонуний равишда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилиш ёки фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан ерни эгаллаб уй-жой қуриш ҳолатлари кўпроқ учрамоқда. Ўрганишлар давомида 68 та ҳолатда қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган майдонларга рухсатсиз шахсий уй-жой қурилгани аниқланди ва жавобгарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги "Таъбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, 2018 йил 1 июлдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга таъбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун

ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш электрон аукцион орқали амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, вилоятда 2 та ҳолатда ушбу қарор талабларига риоя қилинмаган.

Ерга бўлган муносабатда локайдлик, масъулиятсизлик, ўзбошимчалик ва суистеъмолчиликка йўл қўйиб бўлмайдди. Ўрганишлар давомида фуқаролар ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари томонидан ўзига ишониб топширилган ернинг унумдор қатлами ни бузиш, уни талон-торож қилиш билан боғлиқ 23 та ҳолат аниқланди.

### 448 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан муайян турдаги қишлоқ ҳўжалик экин этиштириш ишониб топширилган майдонларга ўзбошимчалик билан бошқа турдаги экинларни экиш каби ҳолатлар ҳам нисбатан кўпроқ учрайди. Бу масалада ўтказилган ўрганишларда 205 та ҳўқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Хусусан, айрим чорвачилик йўналишидаги фермер

Бахтиёр ХАМРАЕВ,  
Инспекциянинг Хоразм вилоят бошқармаси бош инспектори


ҳўжаликлари ердан чорва озўқаси этиштириш мақсадида фойдаланиши белгиланган бўлса-да, бошқа турдаги озик-овқат маҳсулоти этиштириб келатганлиги маълум бўлди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, чорвачилик йўналишидаги фермер ҳўжаликлари учун ер чорва озўқаси этиштириш, бу борада самардорликни ошириш мақсадида ажратилади ва шу орқали ана шу турдаги экинларнинг нархини барқарорлаштириш режалаштирилади. Аммо, бундай ҳўжаликларда ўзбошимчалик билан бошқа турдаги экинларнинг экилиши натижасида чорва ҳамда парранда озўқаси этиштириш кўрсаткичларининг камайиши, нарх-навонинг ошиши, шу билан бирга, этиштириладиган маҳсулот таннархининг ҳам қимматлашиши кузатилади.

Бу борада қонун бузилишларига йўл қўймасак, халқимизнинг турмуши фаровон, дастурхони тўкин бўлиб бораверди. Бу эса зиммамизга алоҳида масъулият юклабгина қолмай, ушбу йўналишдаги вазибалар ижросига бор қучгайратимизни сафарбар этишга ҳам ундайди.

## “Саховатли” фермер

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ердан фойдаланиш соҳасида кўплаб янгилар жорий қилинди. Хусусан, ердан ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқи ривожланди, ер участкалари кимосиди савдоларида сотила бошланди, энг муҳими, ер участкаларини хусусийлаштириш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилик тизимида ер ва тупроқ муҳофазасининг ҳуқуқий асослари шакллантирилган.



Аслида бебаҳо заминимизнинг ҳар бир қаричи олтинга тенг. Ундан тўғри фойдаланиш, сифатини яхшилаш ва шу орқали мўл ҳосил этиштириш шу куннинг долзарб вазифасига айланган. Шуларни инобатга олган ҳолда Боз прокуратура хузуридаги Инспекциянинг Фаргона вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда ердан фойдаланиш тартибини белгилловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганиб борилмоқда.

Ўтган йилда бу борада 28 та ўрганиш ўтказилиб, жами 213 та ҳолатда фермер ҳўжаликларида ердан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани маълум бўлди. Хусусан, 117 та ҳолатда ердан мақсадсиз фойдаланилган. Шунингдек, ўрганишлар давомида ер билан боғлиқ турли низолар, хусусан, фирибгарлик жиноятлари ҳам аниқланмоқда. Масалан, Инспек-

Илёс ОДИЛҲУЖАЕВ,  
Инспекциянинг Фаргона вилоят бошқармаси катта инспектори

циянинг Бешариқ туман бўлимига бир гуруҳ фуқаролар мурожаат қилиб, тумандаги собиқ “Бешовул файзи” фермер ҳўжалигининг иш юритувчиси А.К. 2015 йилда ҳўжалик экин майдонидан 0,08 гектар ер майдонини сотиб, шу кунга қадар ҳўжатларини расмийлаштириб бермаётганини баён этишган.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган ўрганишлар давомида аниқланишича, А.К. таниши М.Қ.га кейинчалик ҳўжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йўли билан фермер ҳўжалигига тегишли ер майдонининг бир қисмини жами 24 миллион сўмга яқка тартибда уй-жой қуриши учун сотиб, ушбу пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, А.К. таниши У.И.ни ҳам худди шундай йўл билан алдаб, унга уй-жой қуриш учун ер бераман деб, унинг ҳам қўйини пуч ёнғоққа тўлдирган. Натижада у У.И.нинг 7 800 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари қўлга киритган.

### Фирибгар фермер “Ер бераман” ваъдаси билан 7 800 долларни қўлга киритди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Инспекциянинг Бешариқ туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, терговга тегишлилиги бўйича туман прокуратурасига юборилди.

## Сохта ҳужжатлар билан...

Искандар КАМолов,  
Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан вилоятдаги пахта тозалаш корхоналаридан бирида ўтказилган назорат тадбирида содир этилган талон-торожлик аниқланди.

Унда корхона техник чигит товаршуноси Алишер (исмлар ўзгартирилган) Каттакўргон шаҳрида яшовчи Мардон билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2018 йил ҳосилидан ишлаб чиқарилган иккинчи нав, биринчи синфли жами 101 минг 740 килограмм, умумий қиймати 116 миллион 586 минг 918 сўмлик жуда кўп миқдордаги техник чигитни 11 та юк ташувчи машиналарга юклаган ҳолда, сохта ҳужжатлар асосида олиб чиқиб кетаётганда қўлга олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилиб, зарар тўлиқ ундирилган.

## Келгуси сонда ▶

Долзарб мавзу:

Қонунчиликда тиланчилик учун жазо чоралари белгиланди. Ҳўш, қонун ижроси таъминлана-яптими?..

## HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

Ўзбекистон Республикаси Бозш прокуратураси

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAYATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Djaxongir MIRSAFAYEV  
Surayyo RAHMONOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

— tijorat materiallari.

Buyurtma v-3211.

21 103 nusxada bosildi.

Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV  
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonada manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Буюк Британиядаги Эдинбург университети олимлари чекиш қон босими, семизлик, диабет ва миянинг эрта қаришини келтириб чиқаришини аниқлади.

14-MART 2019-Y.  
HUQUQ № 11  
(1156)

11

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



У Бухоро вилояти Когон тумани прокурорининг ёрдамчиси, Бухоро вилоят прокуратурасида бўлим прокурори,

Узоқ йиллар давомида ҳарбий прокуратура органларидаги касбий фаолияти даврида Куролли Кучларда қонунийлик, ҳарбий интизом ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда самарали хизмат қилган ҳарбий прокуратура фахрийси Шариф Уринов кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.

бўлим катта прокурори ва бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, бошқарма ҳарбий прокурори, бўлим ҳарбий

прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Ш.Уриновнинг хизматдошлари ва фуқароларга бўлган са-

мимий муносабати, вазифаларни масъулият билан сидқидилнинг ёрдамчиси лавозимларида бажариши, ҳар ишда меҳнатсеварлик ва фидойилик кўрсатиши бугунги ёш ходимлар фаолиятига намуна бўлмоқда.

Унинг самарали хизматлари муносиб баҳоланиб, прокуратура раҳбарияти томонидан бир неча маротаба рағбатлантирилган.

Ҳурматли Шариф Аслонович, Сизни кутлуг 60 йиллик таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Яқинларингизга ҳаммиша бош бўлиб юринг!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

GAZETADA SHOP ETILGACH

## ТАНҚИД САМАРА БЕРДИ

Газетамизнинг 2019 йил 7 февраль кунги сонидан Урганчдаги Ёшлик ва Хонқа кўчаларида йўл белгилари тўлиқ қўйилмагани транспортлар ҳаракатида салбий таъсир кўрсатаётгани танқид қилинган эди. "Йўл белгилари керак" сарлавҳали мақола муштарийларнинг ҳам, мутасаддиларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Мутасаддилар қисқа муддатда ушбу танқиддан тегишли хулоса чиқардилар. Айни пайтда ҳар икки кўчадаги айланб ўтиш жойларига йўл белгилари тўлиқ қўйилган. Бундан, айниқса, ҳайдовчилар мамнун.

— 40 йилдан буён машина ҳайдаман. Кейинги бир йилда Ёшлик ва Хонқа кўчаларида йўл белгилари йўқлиги бизни қийнаб келатган эди. Ушбу кўчадан кўп ўтаемиз. Иккинчи томонга бурилаётганда қарши тарафдан машина келиб қолмасин-да деб, юрак ҳовучлаб турардик. "Низоқ" газетаси ушбу муаммони тилга олганидан ва масала ижобий ҳал бўлганидан хурсандимиз. Бу билан кўллаб йўл ҳодисаларининг олди олинишига ишонамиз, — дейди Комилжон ака Собиров.



SPORT

## Атлетчи қизларимиздан муваффақиятли одимлар

Лас-Вегасда давом этаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Нигора Абдуллаева 49 кг. вазн тоифасида мутлақ жаҳон чемпиони бўлди.

У даст кўтариш машқида 75 кг., силтаб кўтариш машқида эса 90 кг., икки кураш бўйича 165 килограмм натижа қайд этди. Учала йўналишда ҳам ҳеч ким Нигорага тенг кела олмади.

Ҳали ўзбек оғир атлетикаси тарихида бунақаси бўлмаган. Ўтган йили пойтахтимиз мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги мусобақа ҳам Нигора шундай қувончли онларни тақдир қилганди.

Ҳамюртимизнинг икки курашдаги энг яқин таърибчиси руминиялик Валентина Камбеи Нигорадан нақд 6 кило паст натижа қайд этди. Кучли учликка умумий ҳисобда 154 кг. натижа қайд этган мезбон спортчи Кайя Брайнт яқун ясаб берди.

Жаҳон чемпионати давомида 64 кг. вазн тоифасида супага чиққан Кумушхон Файзуллаева эса олтин медални қўлга киритибгина қолмасдан, ўсмирлар ўртасида жаҳон рекордларини ҳам ўрнатди.

Вақиламиз даст кўтариш машқида 93 кг., силтаб кўтариш машқида эса 122 кг. натижа қайд этди. Икки курашда 215 килограмм жамғара олган спортчимиз ушбу вазн тоифасининг силтаб кўтариш ва икки кураш йўналишлари бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон рекордларини ўрнатилган муваффақ бўлди.

## МакГрегор ҳибсга олинди



Аралаш қоидалар жангчиси Конор МакГрегорнинг фанатларидан бири у билан расмга тушмоқчи бўлганида, спортчи мухлисга нисбатан хатти-ҳаракатлари туфайли ҳибсга олинган.

Маями полициясининг берган маълумотларига кўра, Конор МакГрегор душанба кунги эрталаб АҚШнинг Флорида штатидаги "Fontainebleau Miami Beach" меҳмонхонасидан чиқиб кетаётганида мухлисларидан бири уяли телефонда у билан суратга тушмоқчи бўлган. Аммо Конор суратга тушишни рад этган ва мухлисининг қўлидаги телефонни тортиб олиб, ерга ташлаган ҳамда бир неча марта тепиб, чилпарчин қилган.

Жабранувчининг айтишича, телефоннинг нархи 1000 АҚШ доллари бўлган.

Полиция Конор МакГрегорга нисбатан қуроли тажовуз ва ахлоқий бузуқлик каби жиноятлар билан иш оingan.

## ЖЧ-2022 мезбонлари сони ортадимми?

Агар 2022 йили Қатарда бўлиб ўтиши режалаштирилган мундиалнинг иштирокчилари сони 48 та жамоага етса, ФИФА ЖЧ ўйинларини қабул қилиши мумкин бўлган мамлакатлар номзодини кўриб чиқмоқда.



Сабаби кўшимча 16 та жамоа учун Қатарда жойлашган 8 та аренага кўшимча яна 4 та стадион керак бўлади.

ФИФА Саудия Арабистони ва БААда 3 тадан, Қувайтда 2 та, Уммон ва Баҳрайнда биттадан стадионни кўриб чиқмоқда.

Форс кўрфазини мамлакатларининг Қатар билан муносабати ёмонлиги туфайли вазият оғирлашмоқда. ФИФА Саудия Арабистони, БАА ва Баҳрайндан Қатарга нисбатан санкцияларни олиб ташлаб, дипломатик муносабатларни тиклашни талаб қилган. Шундагина бу мамлакатлар ЖЧ ўйинларига мезбонлик қилиши мумкин.

Хозирча Уммон ва Қувайт энг қулай номзод бўлиб турибди.



## Ҳам ғалаба, ҳам даромад

Италиянинг "Ювентус" клуби расмий сайтининг маълум қилишича, клуб Европа чемпионлар лигаси "Атлетико" жамоасига қарши ўйинда рекорд даромад кўрди.

Италия гранди битта ўйинда умумий ҳисобда 5,5 миллион евро пул ишлаб олган. Клубнинг аввалги рекорди 2018 йилда "Манчестер Юнайтед" жамоасига қарши баҳсда қайд этилган. Ушанда "кекса синьора" 5 миллион евро даромад топган эди.

Эслатиб ўтаемиз, "Ювентус" клуби "Атлетико" жамоасига қарши баҳсда ҳужумчи Криштиану Роналдунинг 3 та голи эвазига кейинги босқичга чиқди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

